



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2020 -yil 10 - dekabr

233 ф -son

Bog'ot shaharchasi

1. Хоразм вилояти ҳокимининг 2020 йил 9 декабрдаги 236-ф сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 73-моддасига асосан туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни моддий қўллаб қувватлаш билан боғлиқ харажатлар учун жами 300 000 минг сўм маблағ иловага мувофиқ ажратилсин.

2. Туман Молия бўлими (Ж.Рўзметов) туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Туман Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Қурбонов) ажратилган маблағни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

4. Туман Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (Э.Рўзметов) ажратилган маблағларнинг “Темир дафтар” “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларга манзилли етиб боришини таъминласин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари С.Қурбонов зиммасига юклансин.

Богот туман ҳокими

О.Холбоев